



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Максумов Ботир Рустам ўғли - МГФ-01 гуруҳи
магистранти

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш мақсадида инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жалб этувчанлигини ошириш борасида давлат кафолатлари, турли молиявий имтиёзлар ва преференциялар яратилмоқди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига давлат томонидан «кулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш»²⁰ кафолатланганлиги киритилган. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўзгаришлар юз беряпти ва халқаро ҳамжамият юртимизни бизнес ва инвестициялар учун кенг имкониятлар яратилаётган, барча соҳаларда очиқлик, янгиланишлар, янгича ички ва ташқи сиёсатда қатъиятлилиқ яққол намоён бўлаётган мамлакат сифатида эътироф этмоқда. 2017 йилда иқтисодиётга киритилган жами инвестициялар ҳажми 14 миллиард АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 1,7 баробар ошиб, 24 миллиард АҚШ долларга етди²¹. Бугунги кунда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакати Ўзбекистонга барқарор тарзда инвестиция киритмоқда. Улар иқтисодиётимизнинг асосан металлургия, энергетика, кимё саноати, электротехника, машинасозлик, енгил саноат, илм-фан тамоқларида фаолият юритаяпти.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати негизида хорижий инвестициялар марказий ўринни эгаллашини

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 67 – модда. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги очиқ маълумотлар портали.



тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида чет эл инвестициялари ва тўғридан – тўғри инвестициялари муҳим аҳамият касб этади. Қонунчилигимизда “Чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар” ҳамда “тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари” – деган таърифлар орқали ифондаланган²².

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, қонун билан таъқиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкрий, молиявий, интеллектуал боқликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молилаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига таълуқли. Чунки, чет эл кредитлари ва ҳалқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бирга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий инвестициялар рисклар доираси билан чет эл кредитлари рисклари кенглиги фарқланади.

Мамлакатга киритилган инвестициянинг ижобий натижаси хох у ички инвестиция бўлсин, хох ташқи қуйидагиларда акс этади: ишлаб чиқаришни ривожлантиришга туртки бўлади; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалрини

²² Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2019 йил 25 декабрь, 3-модда.



ривожлантиришга ва улар ўртасида рақобатни кучайтиришга; қўшимча янги иш ўринларини ташкил этилишига ва ўз ўрнида аҳолини иш билан бандлигини оширишга; аҳоли даромадларини ортишига; экспортни кенгайтириш, экспортга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлиши, қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйиш.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш белгиланган²³.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг зарурияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёردаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrollантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 28.01.2022 йил.



чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда, иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофик бўлур эди.